

Муфтий Усмонхон Алимов Туркия элчисини қабул қилди



09:00 / 20.03.2019 1937

2019 йилнинг 18 март куни Туркиянинг Ўзбекистондаги элчиси Меҳмет Сурайё Эр жаноблари Ўзбекистон мусулмонлари идорасига ташриф буюрди. Бу ҳақда muslim.uz сайти хабар беради. Меҳмет Сурайё Эр муфтий Усмонхон Алимов ва Дин ишлари бўйича қўмита раиси Жасур Акрамов билан мулоқот ўтказди.

Муфтий элчи жанобларини ушбу шарафли ва масъулиятли вазифа билан муборакбод этиб, улкан ютуқлар тилади. Меҳмет Сурайё Эрнинг элчилик даврида Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги муносабатлар янада мустаҳкамланиши, бунда элчининг саъй-ҳаракатлари катта бўлишини билдирди.

Шунингдек, йиғилишда зиёрат туризмни ривожлантириш, “Ҳаж-Умра” тадбирларини ташкил этиш, диний соҳа ходимларининг малакасини ошириш борасида ўзаро тажриба алмашиш ҳар жиҳатдан фойдали бўлишини таъкидланди.

Ўз навбатида, элчи жаноблари ўтган икки ярим йил ичида Ўзбекистон ва Туркия давлатлари алоқалари янги босқичга кўтарилгани, кўп томонлама алоқалар ривож топгани, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда

келишувларга эришилганини алоҳида қайд этди.

Мулоқотда томонлар диний-маърифий соҳадаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга оид турли масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.



